

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ НОЗИМЖОН НАБИДЖОНОВИЧ**

**ПОЙАФЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 - «Маркетинг» ихтисослиги**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 677:338:13.(574.2)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Расулов Нозимжон Набиджонович**

Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни  
такомиллаштириш.....3

**Расулов Нозимжон Набиджонович**

Совершенствование использования маркетинговых исследований на рынке  
обувной продукции.....27

**Rasulov Nozimjon Nabidjonovich**

Improving the use of Marketing Research in the footwear products  
market.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ НОЗИМЖОН НАБИДЖОНОВИЧ**

**ПОЙАФЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 - «Маркетинг» ихтисослиги**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt.813 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tseu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иватов Ирисбек**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Икрамов Мурат Акрамович**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Мадияров Ғофуржон Ахмедович**

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-01-49; факс (99871)239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-75; факс (99871)239-28-75; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д.,  
доцент

**Д.М. Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
и.ф.ф.д.

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида пойафзал саноати азалдан саноатлашишнинг «старт олувчи» соҳаси бўлиб келган. «Ривожланган мамлакатларда пойафзал саноатининг саноат ишлаб чиқариши таркибидаги улуши 8-12 фоизни ташкил қилиб, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан 75-85 фоизга тўлдиришга имкон берган»<sup>1</sup>. Бинобарин, пойафзал саноати энг ривожланган Италия, Туркия ва Хитой каби мамлакатлар амалий маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланиш, чарм-пойабзал, мўйна, қоракўл маҳсулотлари ҳамда жундан ишланган буюмлар сегментларида ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини тизимли равишда олиб бориш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва маҳсулот брендини ошириш, шунингдек, инновацион маркетинг стратегиялари асосида жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга эришмоқдалар.

Жаҳонда пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бозор фаолиятини самарали ташкил этишда маркетинг тадқиқоти усулларида фойдаланиш, бозор тадқиқотларини истеъмолчиларга йўналтирилган концепциялар асосида ташкил этиш, рақамли маркетингдан фойдаланиш, ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўллаш, инновациялар асосида тадқиқотлар самарадорлигини ошириш орқали узок муддатли маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий пойафзал брендларини шакллантириш асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналарда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш харажатларини қисқартириш, амалий тадқиқотлар ўтказиш бўйича менежерларнинг кўникмаларини шакллантириш, тадқиқотларда эксперимент моделлардан ҳамда мақсадли дастурий тизимлар, ахборотлар билан ишлашда «сунъий интеллект» асосида ишловчи дастурий маҳсулотлардан фойдаланишнинг илмий услубий асосларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ўзбекистонда пойафзал саноати иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг бозорида ўзига хос маркетинг муҳити шаклланган. «Тармоқда 450 минг киши иш билан банд. Чарм-пойабзал ишлаб чиқариш ва унинг савдосини ташкил этиш соҳасида мингга яқин кичик корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Бироқ, республиканинг пойафзал экспортидаги улуши эса бир фоиздан ҳам кам, шунингдек, маҳаллий корхоналар томонидан мамлакат ички бозорида атиги 42 фоиз эҳтиёжлар таъминланган».<sup>2</sup>

Чарм хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон пойафзал маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнларига бозор эҳтиёжидан келиб чиққан

<sup>1</sup>Industry statistics - <https://www.iafnet.com/industry/industry-statistics/>

<sup>2</sup>Market Analysis and Research, International Trade Centre (ITC). List of exporters for the selected product Product: 2019. <http://www.trademap.org/>

ҳолда, катта эътибор берилмоқда. Республикада истеъмолчилар талабини қондира оладиган, сифатли ва арзон, маҳаллий ва хорижий бозорларда рақобатлаша оладиган пойафзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида: «...талаби юқори бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш учун шарт-шароитлар яратиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бироқ, пойафзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг истеъмолчилар талаби даражасида эмаслиги, маҳаллий корхоналарнинг ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу ҳолатлар пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2016 йил 15 сентябрдаги ПҚ-2592-сон «2016–2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этишнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатлари жуда кўплаб иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўрганилган. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Ф.Котлер, Ж.Армстронг, Майкл, Дж.Бейкер, Аакер, Дж.Эванс, Б.Берман, D.Rosa, O.L.Rua, E.E.Wonah, C.U.Sonye, R.Abdul Majeed, K.V.Sriram, P.Verma, S.A.Kharma, M.Портер<sup>2</sup> ва бошқаларнинг илмий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3693-сон қарори.

<sup>2</sup>Котлер Ф. Основы маркетинга. Перевод с англ. М.: Прогресс, 2010; Armstrong G., Kotler P. Principles of marketing. Prentice Hall, 12 edition, 2006; и др. Основы маркетинга, 4-е европейское издание.: Пер англ. – М.: «И.Д. Вильямс», 2009.; Майкл Дж. Бейкер. Маркетинг - философия или функция? - В кн.:«Теория маркетинга» Под. ред М. Бейкера - СПб.: Питер, 2002.; Аакер Д.А.Стратегия управления портфелем брендов: [пер.с англ.] / Дэвид А .Аакер. - М.: Эксмо, 2009. - 318с.; Эванс Дж., Берман Б. «Маркетинг» Сокр. пер.с англ. – М.: «Экономика» 1990.; Rosa, D., Rua, O.L. Relationship marketing and intangible resources: The mediating effect of loyalty. Review of Marketing Science. 2020 18(1), с. 117-143.; Wonah, E.E., Sonye, C.U. Footwear merchandizing skills needed by graduates of colleges of education for self-reliance in delta state. 2020 Journal of Home Economics Research. 27(1), с. 79-88; Abdul Majeed, R., Sriram, K.V. Determining the best advertising medium for a footwear company: A case study. 2019. Indian Journal of Marketing. 49(5), с. 21-32; Verma, P., Sharma, A.K. Assortment satisfaction: The tale of online footwear sales. 2018 Technology in Society. 54, с. 57-65.; Портер, М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / М. Портер; Пер. с англ. – 4-е изд. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2013. – 463 с;

ишларида маркетинг тадқиқотлари билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида маркетинг тадқиқотлари масалалари билан С.Г.Божук, Л.Н.Ковалик, Г.А.Черчилль, И.К.Белявский, Е.П.Голубков, А.В.Куликова, Д.Е.Коротков, Н.Б.Сафронова, И.Е.Корнеева, Ю.А.Мартынов, С.В.Полевода<sup>1</sup> ва бошқа иқтисодчи олимлар илмий иш олиб борганлар.

Ўзбекистонда эса маркетинг тадқиқотлари, хусусан истеъмолчиларни ўрганиш, сегментлаш, рақобатчиларни ўрганиш ҳамда бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш муаммоларига бағишланган илмий ишлар қаторида олимлардан Г.Н.Ахунова, А.Ш.Бекмуродов, Ж.Ж.Жалолов, М.Р.Болтабоев, А.Солиев, И.Иватов, М.А.Икрамов, Ш.Дж.Эргашходжаева, А.А.Фаттахов, Д.М.Мухитдинов, М.А.Насриддинова, А.Усманов, М.Юсупов<sup>2</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Бироқ, мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг кўламига қарамасдан, ушбу тадқиқот иши пойафзал маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолати, маҳаллий бозор сегменти ва рақобат муҳитини ўрганиш, бозор конъюнктураси ва нархни шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш, маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш жараёнларининг услубий асосларини ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларига йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Фарғона политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, А-2-24(24-48)-сон «Рақобатчилик ва маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини ошириш механизмларини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар тўпламини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг

---

<sup>1</sup>Божук С.Г., Ковалик Л.Н. Маркетинговые исследования. – СПб: Питер-ком, 2003.; Белявский И.К. Маркетинговое исследование: информация, анализ, прогноз. – М.: «Финансы и статистика», 2001.; Голубков Е.П. Маркетинговые исследования. – М.: 2003.; Куликова А.В. Маркетинговые исследования. Составитель: Учебнометодическое пособие. – Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет им. Н.И. Лобачевского, 2017. – 70 с. Климанов Д.Е. Маркетинговый подход к анализу бизнес-моделей. 2017; Коротков, А.В. Маркетинговые исследования: учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 303 с; Сафронова, Н.Б. Маркетинговые исследования. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2017. – 296 с.; Маркетинговые исследования как эффективный инструмент регулирования рыночной активности субъектов агропродовольственного сектора экономики (на материалах рынка молочной продукции). Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Санкт-Петербург– 2012; Полевода С.В. Развитие методики маркетингового анализа коммерческих организаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Ростов-на-Дону – 2016.; Ерёмин В.Н. Маркетинг: основы и маркетинг информации: учебник. – М.: КНОРУС, 2010.; Крылова Г.Д., Соколова М.И. Маркетинг. Практикум: учеб. пособ. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2009.;

<sup>2</sup>Бекмуродов А.Ш. Маркетинг: основы современного бизнеса. –Т.: Мехнат, 1992.; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография –Т.: Фан, 2004; Жалолов Ж. Маркетинг. - Т.: ФТДК «ДИТАФ». 1999.; Иватов И. Савдо фаолиятида маркетинг. Монография. –Т.:ТДИУ, 2004.; Солиев А., Усманов А. Маркетинг. Тадбиркорлик. Бизнес. Бозоршунослик. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1997.; Жалолова Д.Ж. Бизнес маркетинги. Дарслик. – “Молия” нашриёти, 2007.; Эргашходжаева Ш.Дж. Инновацион маркетинг. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2013.

тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пойафзал маҳсулотлари бозори ва унинг хусусиятларини ўрганиш;  
пойафзал маҳсулотларининг бозорида маркетинг фаолиятини шаклланиш жараёнлари ва ривожланишини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

пойафзал маҳсулотлари бозорини ўрганишда маркетинг тадқиқотлари усулларидан фойдаланишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда пояфзал маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

пойафзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар сегмент хусусиятлари ва шаклланган рақобат муҳитини ўрганиш;

пойафзал маҳсулотлари бозори конъюнктураси ва нархни шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш;

пойафзал маҳсулотлари бозори ривожланишида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш жараёнларининг услубий асосларини такомиллаштириш;

пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Фарғона вилоятидаги пояфзал ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланаётган бозор субъектлари фаолияти танланган.

**Тадқиқот предмети бўлиб** пояфзал ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда маркетинг тадқиқотларини самарали ўтказиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик баҳолаш, сегментлаш, эксперимент, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш, сўров, дискриминант таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

пойафзал маҳсулотлари бозорида корхоналарнинг истеъмолчиларга мослашувчанликни таъминлашга йўналтирилган ҳудудлар бўйича бозор имкониятларини ўзаро боғлиқ муносабатлар тизими такомиллаштирилган;

пойафзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар сегменти бўйича «бренд»ни алоҳида эътиборга олган ҳолда, рақобат муҳитини шакллантириш асосланган;

«эркак» сегментига хизмат кўрсатишга мувофиқ ташкил этилган технологик жараён асосида «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасининг пояфзал маҳсулотлари чакана савдо шахобчалари фаолиятини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни аҳоли даромадлари ўзгаришига нисбатан баҳолашнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва усуллари маҳаллий шароитга мослаштирилган тарзда аниқлаш тавсия этилган;

пойафзал маҳсулотлари бозорида рақобатни ривожлантириш, субъектларнинг фаолияти, уларнинг бозордаги нуфузи ва иқтисодий фаолиятини яхшилаш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган;

тажриба ва назорат гуруҳидан фойдаланиб амалга ошириладиган эксперимент тадқиқот усули поймафзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчиларни сегментлашга йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг дисперсион таҳлил усулини комбинациялаш асосида такомиллаштирилган;

пойафзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни маркетинг тадқиқотлари асосида мувофиқлаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни 2025 йилгача прогнозини аниқлашнинг маркетинг тадқиқоти усули даврий қаторлар бўйича ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган маркетинг тадқиқот усулларини амалиётга жорий этилганлиги ва натижаларнинг поймафзал маҳсулотлари бозори субъектлари ҳамда давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, поймафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишда корхоналарнинг истеъмолчиларга мослашувчанликни таъминлашга йўналтирилган ҳудудлар бўйича бозор имкониятларини таҳлил этишнинг ўзаро боғлиқ муносабатлар тизими, поймафзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар сегменти бўйича рақобат муҳитини тадқиқ этишда истеъмолчиларни харид қилишга ундовчи мотивация, бренд ва хулқ-атвор омиллари мезони, поймафзал маҳсулотлари чакана савдо шаҳобчаларида эркаклар сегментига хизмат кўрсатишдаги хусусияти, технологик жараёни ва савдо маданияти бўйича устуворликларини маркетинг тадқиқотларининг дисперсион таҳлил усулидан фойдаланиш, поймафзал маҳсулотларига бўлган талабни аҳоли даромадлари ўзгаришига нисбатан прогноз моделлари корхоналарда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишда яқиндан ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса поймафзал корхоналари бозор фаолияти ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда, бозор улушини оширишда, халқаро бозорларга чиқиш ва унда ўз мавқеини таъминлаш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишда, истиқболли маркетинг дастурини шакллантириш ва йўл хариталарини белгилашда фойдаланилади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича тавсиялардан бозорда рақобатли устунликлар яратишда, қабул қилинаётган қарор ва мақсадли дастурларни белгилашда фойдаланилади. «Маркетинг», «Маркетинг тадқиқотлари» ва

«Стратегик маркетинг» фанларини ўқитиш жараёнида маъруза ва кейс-стадилар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тақиқотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пойафзал маҳсулотлари бозорида корхоналарнинг истеъмолчиларга мослашувчанликни таъминлашга йўналтирилган ҳудудлар бўйича бозор имкониятларини ўзаро боғлиқ муносабатлар тизими “Ўзчармсаноат” уюшмасига аъзо пояфзал корхоналар фаолиятига жорий этилган (“Ўзчармсаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 февралдаги ФБ-7/380-сон маълумотномаси). Натижада “Ўзчармсаноат” уюшмасига аъзо «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасида маркетинг тадқиқотлари бўлими ташкил этилган ва корхонанинг маркетинг ҳаражатларини 12 фоизга камайишига эришилган;

пойафзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар сегменти бўйича «бренд»ни алоҳида эътиборга олган ҳолда рақобат муҳитини шакллантириш бўйича асосланган таклифлар “Ўзчармсаноат” уюшмаси фаолиятига жорий этилган (“Ўзчармсаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 февралдаги ФБ-7/380-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона водийсининг зич жойлашган ҳудудларида фаолият юритувчи пояфзал ишлаб чиқарувчи корхоналар инфратузилмаси такомиллаштирилган ҳамда пояфзал корхоналари ва маҳсулот истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солишда фойдаланилган;

«эркак»лар сегментига хизмат кўрсатишга мувофиқ ташкил этилган технологик жараён асосида «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасининг пояфзал маҳсулотлари чакана савдо шаҳобчалари фаолиятини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги “Ўзчармсаноат” уюшмасига аъзо «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган (“Ўзчармсаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 февралдаги ФБ-7/380-сон маълумотномаси). Натижада «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасининг чакана савдо шаҳобчаларининг маҳсулот сотиш ҳажми 1,8 фоизга ва доимий истеъмолчилар сони 19 фоизга ошган;

пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни аҳоли даромадлари ўзгаришига нисбатан баҳолашнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан “Ўзчармсаноат” уюшмасида фойдаланилган (“Ўзчармсаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 февралдаги ФБ-7/380-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона вилоятидаги пояфзал саноати корхоналарининг бозор сегментлари бўйича махсус маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилган. Мақсадли дастурлар вилоятдаги корхоналарда ишлаб чиқиш ва рақобатбардошлик муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми пояфзал саноати ҳисобидан 1,6 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, шундан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида пояфзал маҳсулотлари бозори ва унинг хусусиятлари таснифланган, пояфзал маҳсулотларининг бозорида маркетинг фаолиятини шаклланиш жараёнлари ва ривожланиши ўрганилиб, маркетинг тадқиқотлари усулларидан фойдаланишнинг услубий асослари таклиф этилган.

Замонавий маркетинг тадбиркор учун ўзининг истеъмолчисини топишга ёрдам берувчи бозор илми ва фалсафасидир. Маркетингни ўрганиш корхона учун бозорни тушунишига, унда фаолият юритиш, унга таъсир кўрсатиш ва уни бошқара олишга ёрдам беради. Маркетингни ўрганиш замонавий бизнесда муваффақиятга эришишда асосий дастакдир. Инсон эҳтиёжларининг чексизлиги сабабли уларни ҳеч қачон самарали қондириб бўлмаслиги маркетингнинг нима билан тугашини аниқлашга имкон бермайди. Ушбу ҳолат бозорда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий маркетинг бизнес-фаолият функцияси сифатида намоён бўлиб, тадбиркорнинг «йўлчи юлдузи», бозор муносабатларида иштирок этувчи барча субъектлар учун ўз мақсадларини амалга ошириш ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини самарали қондиришга ёрдам берадиган восита сифатида шаклланган. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон бозорида замонавий маркетинг тамойилларидан фойдаланиш ва унинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириб бориш вазифаларини кўйган.

Пойафзал саноати жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари учун азалдан саноатлаштиришнинг «старт олувчи» соҳаси бўлиб келган ва

Ўзбекистонда ҳам кенг ривожланган тармоқлардан биридир. Иқтисодийнинг ушбу секторини ривожлантириш аҳолини асосий истеъмол товари ҳисобланган пойафзаллар билан таъминлабгина қолмай, турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндикки, пойафзалга бўлган талаб истеъмолчиларнинг ҳоҳишларига боғлиқ бўлиб, бу ерда пойафзални объектив баҳолашдан кўра, уни субъектив идрок қилиш ҳал қилувчи омил ҳисобланар экан. Шу сабабли, пойафзалларни қайси мезонлар бўйича баҳолашни ва сотиб олинишни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Пойафзал маҳсулотлари хилини, истеъмолчилар учун қанча ишлаб чиқаришни билиш, улар эҳтиёжлари, урф-одатлари ва яна бошқа кўплаб хислатларини ўрганиш ва шу асосда уларни гуруҳлаштириш орқали аниқ харидорларга мўлжалланган мақсадли бозор сегментларини шакллантириш ва ривожлантириш корхоналар учун зарур жараён ҳисобланади. Чунки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш йўллари маркетинг воситалари асосида бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш тамойилларига таянади ва шу орқали ўзига жалб қилувчи сегментларни аниқлаш ва шакллантириш, истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришда аниқ белгиланган стратегияларга таянган ҳолда ҳар бир сегмент учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш заруриятини туғдиради.

Жаҳон иқтисодийетида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бир пайтда чарм ва чарм-пойафзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳамда стратегик иқтисодий ресурс сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. «Бугунги кунда дунё бўйича бир йилда ўртача 4,4 млрд жуфт чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундай маҳсулотларнинг 41,7 фоизи Хитойда, 6,3 фоизи Мексикада, 5,4 фоизи Италияда, 4,4 фоизи Бразилияда, 4,3 фоизи Ҳиндистонда ва Ўзбекистоннинг ушбу бозордаги улуши 2010 йилда 0,04 фоиздан 2019 йилда 0,02 фоизга пасайган»<sup>1</sup>. Жаҳон пойафзал экспортида ТОП-10лик мамлакатлар (Хитой, Вьетнам, Италия, Германия, Бельгия, Франция, Индонезия, Нидерландия, Испания, Гонконг) ҳиссасига эса жами пойафзаллар экспортининг қарийб 80 фоизи тўғри келади. Пойафзал маҳсулотларини экспорт қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси камлиги, мамлакат пойафзал саноатини жаҳон бозоридаги рақобатли кураш шароитларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, инновацион маркетинг концепцияси асосида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, инновацияларга асосланган тизимларни жорий этиш каби энг муҳим вазифаларни амалга оширишни талаб этади. Бозор тадқиқотларини олиб борадиган компаниялар маълумотларига кўра, пойафзал маҳсулотлари бўйича йирик бренд компанияларнинг 97 фоизида бозор салоҳиятини, бозор улушини ва бозордаги асосий кўрсаткичларини доимий ўрганиб борувчи тизимлари йўлга қўйган.

Пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маркетинг тадқиқотини олиб бориш жараёнида эътибор қаратиши лозим бўлган асосий жиҳатлар қуйидагилар: пойафзал маҳсулотлари бозор конъюнктурасидаги ўзгариши; пойафзалнинг истеъмол хусусияти ва истеъмолчиларнинг ўзгариш

---

<sup>1</sup> «Ўзчармпойафзал» уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

тенденциялари; мақсадли аудиториянинг сегмент хусусиятлари; бозорда шаклланган ассортимент кенглиги, сотиш ва рекламани ташкил қилиш жараёнлари; пойафзалларга бўлган талаб, таклиф ва нархнинг тебранишлар динамикаси; рақобат муҳити ва корxonанинг бозордаги ўрни кабилар.

Маркетинг фаолиятининг йўналишлари, албатта бозорнинг ривожланганлик даражаси, ундаги рақобат интенсивлиги, тегишли товарлар ва хизматлар билан машғул бўлган фирмаларнинг катта-кичиклиги, маркетинг ахборот тизимларининг шаклланиши ва бошқа омилларга бевосита боғлиқ. Маркетинг тадқиқотида асосан ахборот катта роль ўйнайди. Дастлаб бозор, харидор, рақобатчи ва маҳсулот хусусидаги ахборотларни керакли шаклга жамлаш ва ахборотларни тартибга солиш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ва уларнинг янгиланиб, бойиб туришини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида баён этилган маркетинг концепциялари ва уларни амалга ошириш усуллари, шакллари корxonаларнинг маркетинг стратегиясини тўғри ва аниқ шакллантириш учун муҳим омил ҳисобланади. Пойафзал маҳсулотлари бозорини тадқиқ қилишнинг усул ва шакллар соҳанинг ўзига хос хусусиятларига қараб қўлланилади.



**1-расм. Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишдаги элементларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>1</sup>**

Маркетинг тадқиқотларининг асосий вазифаси - маркетинг мақсадларига

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

эришиш учун аниқ ва объектив ахборотларни тақдим этишга қаратилганлиги сабабли пойафзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, рақобатбардошликни ошириш асосий муаммо. Мақсадли бозор хусусиятлари ва афзалликларини ўрганиш маркетинг тадқиқотларининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққанда, пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишдаги элементларнинг ўзаро боғлиқлиги 1-расмда келтирилган.

Таклиф этилган пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишдаги элементларнинг ўзаро боғлиқлиги корхоналарда маркетинг тадқиқотларини олиб борилишини самарали бажарилишини таъминлайди. Анъанавий ёндашувга нисбатан таклиф этилган ўзаро боғлиқ муносабатлар тизимида маркетинг тадқиқотларини амалга оширувчи субъектлар ва тадқиқот жараёнларига бир қатор компонентлар қўшилган.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш жойи ва ташкилий тизими турлича ҳисобланади. Баъзиларида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш марказлашган, штаб-квартирада амалга оширилса, бошқаларида эса марказлашмаган бошқарувга эга бўлиб, маркетинг тадқиқотларини ўтказувчи корпорацияларда алоҳида бўлимлар ташкил этган. Марказлашган бошқарув тизимига эга бўлган ҳолатда улар истеъмолчилар сегменти, географик ёки ҳудудий жиҳатдан ихтисослашиши мумкин. Ушбу ҳолатларга кўра, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш шакли ва ихтисослашуви бўйича ички, ташқи ва универсал субъектларга ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Маркетинг тадқиқотлари жараёни бир қатор ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади, ҳар бир босқични ўзининг аниқ вазифалари бор: муаммони аниқлаш, муаммони ҳал этиш бўйича ёндашувни ишлаб чиқиш, тадқиқот режасини тузиш, дала тадқиқоти, маълумотлар тайёрлаш, таҳлил қилиш, ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишни ўз ичига олади.


Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишдаги элементларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз пойафзаллар бозори субъектларининг бозор фаолияти тўғрисидаги билимлари замонавий маркетингнинг муҳим қоидаларига асосланиши лозим. Бунинг учун эса, маркетинг, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш услубияти тўғрисида чуқур тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Пойафзал маҳсулотлари ассортиментни таркиби, истеъмолчилар эҳтиёжларини ўзгаришини аниқлаш, урф-одатлари ва яна бошқа кўплаб хислатларини ўрганиш ва шу асосда уларни гуруҳлаштириш орқали аниқ мақсадли бозор сегментларини шакллантириш ва ривожлантириш корхоналар учун зарур жараён ҳисобланади. Чунки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш йўллари маркетинг воситалари асосида бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш тамойилларига таянади. Шунинг учун ҳам маркетинг тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш тамойилларига таяниш ва шу орқали ўзига жалб қилувчи сегментларни аниқлаш ва шакллантириш, истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришда аниқ

белгиланган стратегияларга таянган ҳолда ҳар бир сегмент учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш заруриятини туғдиради.

Диссертациянинг «**Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш жараёнлари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида пояфзал маҳсулотлари бозорини шаклланиш ва ривожланиш ҳолати, пояфзал маҳсулотлари бозори сегментларини шаклланиши ва бу жараёнда рақобатчиликни ривожланиши, пояфзал маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар сегменти бўйича «бренд»ни рақобат муҳитини шакллантириш жараёнларидаги ўрни ва роли, шунингдек, пояфзал маҳсулотлари бозори конъюнктураси ва нархни шаклланиш жараёнлари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистондаги барча пояфзал корхоналари замонавий кўринишда бўлиб, чармни қайта ишлашдан бошлаб, тайёр пояфзал тикишгача бўлган тизимга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ўзида мужассамлаштирган. Бунинг натижасида, ушбу соҳанинг мамлакат саноат соҳасида банд бўлганларнинг 4,1 фоизи, ишлаб чиқаришдаги улуши 8 фоизни ташкил қилади. 2019 йилнинг биринчи январ ҳолатига Ўзбекистонда пояфзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони 870 тани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан қарийб 5 мартага, ишлаб чиқарилаётган пояфзаллар эса 3,8 марта ўсган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистонда пояфзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва корхоналар сони<sup>1</sup>**

Ўзбекистон пояфзал саноатида мустақилликдан кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ортган, ассортимент таркиби ўзгарган ва маҳсулотлар сифати яхшиланиши ҳисобига тайёр маҳсулотларни экспорти ривожланган. Ўзбекистонда 2017 йилда пояфзаллар экспорти (ТИФ ТН 64 код бўйича) 11,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳон экспортидаги ҳиссаси 0,009 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 3 марта ошиб, 35,6 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, экспорт ҳиссаси 0,024 фоизни ташкил этган.

"Ўзчармсаноат" уюшмаси ҳисоботларига кўра, республика корхоналари томонидан 2019 йилда 38,2 млн. долларга маҳсулот экспорт қилинган. Бунинг учун 12,9 минг. тонна чармдан пояфзал тикилган, 3,2 млн. дона эркаклар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

пойафзали, 7,8 млн. дона аёллар пойафзали ва 3,65 млн. дона болалар пойафзалини ишлаб чиқара оладиган кўшимча қувватли технология киритилган.

Ўзбекистон пойафзаллар бозорини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати корхоналарнинг бозор фаолиятини ривожланишига ижобий таъсир этиб, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улуши ошиб боришига эришилган. Ўзбекистонда энг йирик пойафзал ишлаб чиқарувчи корхона сифатида ўз маҳаллий брендига эга бўлган Фарғона вилоятидаги «UzSalaman» Ўзбек-Герман кўшма корхонаси хом-ашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр пойафзал шаклида товар маҳсулотлари тайёрлаш ёпиқ циклини ўз амалиётларига жорий қилган йирик корхона ҳисобланади. Корхона 1998 йилдан бошлаб ички бозорни сифатли пойафзаллар билан таъминлашга қаратилган маркетинг дастури асосида фаолият юритиб келган. Корхонада жами 354 ишчи-хизматчи ходимлар, шу жумладан 25 маъмурий аппарат ходимлари иш билан банд. Унинг асосий фаолияти тайёр пойафзал маҳсулотларини тикиш, ишлов бериш, чарм маҳсулотини қайта ишлаш ва ундан тайёр пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мажмуа ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ассортиментини эркаклар пойафзали, аёллар пойафзали, болалар пойафзали ассортиментидан иборат. Бозор талаблари ва кучли рақобат шароитига мос ишлаш ва бошқариш принциплари, усулларини ўз вақтида ўзлаштириш асосида корхона фаолияти самарадорлигини янада ошириб, ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспорти ва ички бозорда сотилиш динамикасида барқарор ўсиш кузатилган

2012-2019 йиллар давомида «UzSalaman» кўшма корхонасининг пойафзал маҳсулотлари экспорт ва ички бозор учун мўлжалланган бўлиб, унинг таркибида импортни ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми юқори. Корхона томонидан амалга оширилаётган стратегиянинг асосий мазмун-моҳияти, бу жаҳон бозорида мустақкам ўрин эгаллашга қаратилган. Шу билан бир вақтда ички бозорда ҳам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шу орқали республикада салмоқли ўринни эгаллашга қаратилган ҳаракатларни янада жонлантириш билан белгиланади (1-жадвал).

**1- жадвал**

**«UzSalaman» Ўзбек-Герман кўшма корхонасида пойафзал маҳсулотларининг ассортиментини бўйича сотилиши<sup>1</sup>**

№	Маҳсулот тури	Жами сотилган		Ички бозорда	
		Минг жуфт	Жамига нисбатан	Минг жуфт	Жамига нисбатан
1.	Эркаклар пойафзали	1560	27,4	485	41,0
2.	Аёллар пойафзали	516	9,2	47	4,1
3.	Болалар пойафзали	240	4,2	10	0,8
4.	Қиз болалар пойафзали	360	6,2	22	1,9
5.	Бошқа маҳсулотлар	756	13,4	101	8,6
	<b>ЖАМИ</b>	<b>5688</b>	<b>100</b>	<b>1182</b>	<b>100</b>

<sup>1</sup> \*Манба: “UzSalaman” Ўзбек-Герман кўшма корхонаси корхонаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



«UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилиши 2019 йилда 5688,0 минг донани ташкил этган бўлса, шундан 27,4 фоизи эркаклар пойафзалига тўғри келиб, бу маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам рақобатбардошлик талабларига жавоб беради. Корхонанинг ички бозордаги мавқеини ортиб бориши натижасида унинг маҳсулотларини ҳарид қилувчи ҳаридорлар сони ҳам ортиб борган.

Пойафзал маҳсулотларининг янги авлод ассортименти кўп функцияли бўлиб, уларнинг қулайлик хусусиятлари, инсон соғлигини таъминлаши, кишига мослашган, атроф-муҳит ҳавфсизлигини сезиларли даражада оширадиган хусусиятларга эга бўлиши лозим. Модага мослик билан бир қаторда пойафзал маҳсулотларининг функционал хусусиятлари ҳам уларни муваффақиятли сотишда катта аҳамият касб этган. Шунингдек, пойафзалларнинг эластиклик, енгиллик, иссиқни сақлаб туриш, терламаслик ва бошқалар каби функционал хусусиятларига эътибор қаратиш рақобат устунлигининг асосий шarti ҳисобланади.

«UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонаси фаолияти етарли даражада рентабелликка эга. Корхона тўла қувват билан ишлаганда сарф этилаётган инвестицияларнинг қопланиш вақти 4 йилу 2 ойни ташкил этади. Бундан ташқари, аниқ ҳисоб-китоб натижаларига кўра, корхонани қуриш, бор ишлаб чиқариш ресурсларини қайта реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни тўла қувватгача етиб ишлашига кетадиган барча вақтни ҳисобга олганда, лойиҳа қурилиш бошлангандан кейин, 7 йилда соф фойда келтира бошлаган. Дисконтлаштирилган даромад бўйича ҳисобланганда, лойиҳа 8 йилдан кейин тўла қопланган.

Пойафзал маҳсулотларининг моделлари бўйича сегментлари ичида буюмнинг ўлчамлари, нархлари, сотиб олиш жойларини танлашда ҳам шундай ўхшашликлар мавжуд. Шунинг учун буюмларнинг ранги, гули, ўлчами, нархи бўйича таркиби ҳам умумий тусга эга бўлиб, истеъмолчиларнинг шаклланган талаб-истаклари, дидлари доирасида аниқланиши ва белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ишлар эркаклар пойафзали бўйича амалга оширилди (2-жадвал).

Рақобатбардошликни ўн баллик тизим ёрдамида баҳолаб, унинг уч даражасини ажратиш мақсадга мувофиқдир: сегментнинг жами кўрсаткичлар бўйича умумий бали етти ва ундан юқори бўлса рақобатбардошлик даражаси юқори, 4 дан 7 гача бўлса – ўртача ва 4 гача бўлса – паст деб ҳисоблаш лозим.

Жадвалдан кўриниб турибдики, «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонаси сегментдаги рақобатбардошлиги энг юқори бўлиб, 8,11 баллга тенг. Фарғона вилояти корхоналари рақобатбардошлиги бўйича олинган умумий балл 5,11 ни ташкил этиб, Наманган вилояти корхоналарига нисбатан паст кўрсаткични ташкил этди. Наманган вилояти корхоналари рақобатбардошлиги «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонаси рақобатбардошлигига нисбатан 63 фоизни, алоҳида хунармандлар рақобатбардошлигига нисбатан 72 фоизни ташкил этади.

«UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасининг рақобатбардошлиги ўртача даражада бўлиб, сегментнинг маълум қисмини эгаллаб келмоқда.

Эркаклар пойафзали сегментида рақобатбардошликни баҳолаш<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қиймати		Фарғона вилояти корхоналари		Наманган вилояти корхоналари		UzSalaman» қўшма корхонаси	
	Баллда	Коэффициентда	Якка балл	Вазнли балл	Якка балл	Вазнли балл	Якка балл	Вазнли балл
Пойафзалнинг сифати	8	0,27	7	1,89	8	2,16	9	2,43
Пойафзалнинг нархи	7	0,23	5	1,15	8	1,84	9	2,07
Пойафзалнинг тақдим этиш, кўрсатиш, сотиш, маслаҳатлар бериш	6	0,20	5	1,0	7	1,40	8	1,60
Истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш, уларни жалб қилиш ва кўндириш	5	0,17	4	0,68	7	1,19	8	1,36
Корхона бренди	4	0,13	3	0,39	4	0,52	5	0,65
Жами:	30	1,0		5,11		7,11		8,11

Унинг Фарғона вилояти бозор сегментларидаги асосий вазифаси рақобат устунликларини таъминлашга қаратилган истеъмолчиларга йўналтирилган бренд стратегияларни амалга оширишдан иборат. Корхона бозорда пойафзаллар бренди бўйича устунлик қилади. Бренд истеъмолчиларнинг онгида образ шаклини яратиш, брендинг номига тасниф беришига ёрдам беради. Хусусан, «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасининг логотипи, “Сизга бежиримлик ва қулайлик ярашади”, “Сиз бундан толиқмайсиз, оёғингиз дам олади”, “Сиз бунга муносибсиз” деган слоганлари асосида бозордаги рақобатда устунликни таъминлаган. «UzSalaman» брендининг идентификациялари асосий қиймат шакллантирувчи воситага айланган. Эркаклар пойафзали сегментида «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма корхонасининг бренд бўйича устунлиги корхона учун рақобатчиларга нисбатан маҳсулотни 50 фоизгача юқори нархларда сотилишини таъминлашга имкон берган.

Корхонанинг турғун рақобатбардошлигини шакллантиришнинг муҳим шарти–истеъмолчи хусусиятларига мувофиқ ҳолда товарни такомиллаштириш ва ассортимент кенгайтириш стратегияларидир. Белгиланган стратегик мақсадларни амалга ошириш корхоналар олдида самарали маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, стратегик таҳлил усулларида фойдаланиш муаммосини қўяди.

Бозордаги товар таклифига фақатгина ассортиментни кенгайтириш йўли билан эришилмайди. Агар таклиф этилаётган товарлар тўплами, сифати, ассортимент ва нархлари бўйича бир-бирига яқин бўлса, биринчи ўринга савдо жараёнларидаги сервиси чиқади. Пойафзал сотувчи савдо шаҳобчаларидаги сервис таклиф этилган пойафзалларнинг рақобатбардошлигини кўшимча равишда ошириш, мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, «UzSalaman» Ўзбек-Герман

<sup>1</sup> Муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида тузилган

қўшма қорхонаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотувчи қорхоналар фаолиятини доимий тадқиқ қилиб боришни тақозо этади. Ушбу тадқиқотлардан эксперимент усулларида фойдаланиш афзалликлари юқори ҳисобланади. Эксперимент моделларининг бир қатор турлари мавжуд: 1) дастлабки эксперимент; 2) тажриба гуруҳи доирасида бошланғич ва якуний натижалар олишга қаратилган эксперимент; 3) статик гуруҳлаш бўйича эксперимент; 4) назорат гуруҳидан фойдаланган ҳолдаги дастлабки ва якуний эксперимент;

Эксперимент усуллари орқали истеъмолчилар сегменти бўйича пойафзаллар савдо дўконига ташриф буюрувчи янги ва доимий мижозлар дастлабки ва якуний эксперимент усулларида доимий баҳолаб бориш имконияти мавжуд.

Тажриба ва назорат гуруҳи сифатида истеъмолчилар сегментини жинси, ёши ёки бир марталик ташриф ҳамда доимий мижозлар бўйича дисперсион таҳлиллар асосида таққослаш имконини беради. Анкета сўровларини натижалари бўйича олинган умумлашган кўрсаткичлар 3-жадвалда акс этган.

### 3-жадвал

#### «UzSalaman» Ўзбек-Герман қўшма қорхонасининг ихтисослашган савдо шаҳобчаси бўйича дисперсион таҳлил натижалари<sup>1</sup>

Сегментлар	Ҳисоб	Сумма	Ўртача киймат	Дисперсия
<i>Жами танланган омилар бўйича f(Xn)</i>				
Аёллар	101	-118	-1,2	12,3
Эркаклар	101	88	0,9	14,8
	Гуруҳлараро дисперция			7,2 %
$F_{\text{крит}} = 3,8 \leq F_{\text{ҳисоб}} = 15,5; P(\text{value}) = 0,0001;$				
<i>Савдо объекти бўйича - f(X1)</i>				
Аёллар	101	-13	-0,13	3,77
Эркаклар	101	-28	-0,28	2,02
	Гуруҳлараро дисперция			0,1 %
$F_{\text{крит}} = 3,8 \leq F_{\text{ҳисоб}} = 15,5; P(\text{value}) = 0,53;$				
<i>Савдо ходими бўйича - f(X2)</i>				
Аёллар	101	-7	-0,07	3,29
Эркаклар	101	34	0,34	3,47
	Гуруҳлараро дисперция			1,2 %
$F_{\text{крит}} = 3,8 \leq F_{\text{ҳисоб}} = 15,5; P(\text{value}) = 0,11;$				
<i>Савдо технологик жараёни бўйича - f(X3)</i>				
Аёллар	101	-32	-0,32	3,00
Эркаклар	101	90	0,89	3,52
	Гуруҳлараро дисперция			10,2 %
$F_{\text{крит}} = 3,8 \leq F_{\text{ҳисоб}} = 15,5; P(\text{value}) = 0,00001;$				
<i>Савдо маданияти бўйича - f(X4)</i>				
Аёллар	101	-66	-0,65	1,97
Эркаклар	101	-4	-0,04	2,90
	Гуруҳлараро дисперция			3,7 %
$F_{\text{крит}} = 3,8 \leq F_{\text{ҳисоб}} = 15,5; P(\text{value}) = 0,005;$				

<sup>1</sup>Муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида тузилган

Пойафзал маҳсулотлари чакана савдо шаҳобчаларида истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматларни қабул қилиш даражаси тегишли сегментлар бўйича (тажриба ва назорат гуруҳи) анкета сўровлари асосида куйидаги мезонларга кўра ўзгарувчилар шакллантирилади: савдо объекти -  $X_1$ ; савдо ходими –  $X_2$ ; савдо технологик жараёни –  $X_3$ ; савдо маданияти –  $X_4$ .

Таҳлил натижаларидан маълум бўлмоқдаки, эркаклар ва аёллар сегменти бўйича «UzSalaman» Ўзбек-Герман кўшма корхонасининг ихтисослашган савдо шаҳобчасида жами танланган омиллар бўйича умумий фарқ 7,2 фоизни ташкил этади. Истеъмолчилар сегменти корхона маҳсулотларини сотувчи савдо объектларидан қониқмайди. Савдо объектларида савдо ходимлари хизматларидан аёллар сегменти эркаклар сегментига нисбатан қониқиш даражаси паст ва ушбу фарқ даражаси 1,2 фоизни ташкил этади. Аёллар сегменти учун савдо технологик жараёнларини ташкил этилиши паст даражада бўлиб эркаклар учун яратилган шароитлардан 10,2 фоизга фарқ қилади. Савдо шаҳобчасида савдо маданияти яхши йўлга қўйилмаган ва танланган сегментлар томонидан савдо маданиятини шакллантиришга салбий муносабатлар бирдирилган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққанда «UzSalaman» Ўзбек-Герман кўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган пойафзалларни сифати ва нарх даражаси бўйича рақобатбардош бўлсада, чакана савдода истеъмолчилар учун яратилган шароит ва савдо маданиятининг пастлиги корхона рақобатбардошлигига салбий таъсирини кўрсатган. Шунга кўра, ички бозорда корхоналарнинг рақобатда устунлигини таъминлашга қаратилган маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланиш асосида қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқ.

